



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 21 yil « 26 » noyabr

№ 715

Toshkent sh.

“Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисобини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2979-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, транспорт инфратузилмасидан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш, Тошкент метрополитенининг автобус шохбекатлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2979-сон қарори ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 24 майдаги ПФ–5447-сон Фармониға мувофиқ **“Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳаси** амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоби иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил '26" ноябрдаги 715-сон қарорига
илова

“Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткич номланиши	Ўлчов бирлиги	Жами	шу жумладан:			
				Давлат бюджети маблағи	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити	Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки кредити	Давлат улуши
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ доллари экв.	354 364,79	208 398,23	108 390,20	500,00	37 076,36
2.	Капитал қўйилмалар қиймати, шу жумладан:	минг АҚШ доллари экв.	317 288,43	208 398,23	108 390,20	500,00	
2.1.	машина ва ускуналар	минг АҚШ доллари экв.	61 004,89	12 345,80	48 159,09	500,00	
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ доллари экв.	238 453,17	180 722,06	57 731,11		
2.3.	инвестиция давридаги молиявий харажатлар	минг АҚШ доллари	3 642,79	3 642,79			
2.4.	бошқа харажатлар	минг АҚШ доллари экв.	14 187,58	11 687,58	2 500,00		
3.	Қўшилган қиймат солиғи ва божхона имтиёзлари кўринишида, шу жумладан:	минг АҚШ доллари экв.	37 076,36				37 076,36
3.1.	қўшилган қиймат солиғи бўйича	минг АҚШ доллари экв.	33 091,66				33 091,66
3.2.	божхона тўловлари бўйича	минг АҚШ доллари экв.	3 942,35				3 942,35
3.3.	фоизларга солиқлар	минг АҚШ доллари экв.	42,35				42,35
4.	Мавжуд асосий фондлар қиймати	минг АҚШ доллари экв.	ҳисобга олинмаган				
5.	Корхонанинг қуввати, шу жумладан:						
	- йўлнинг узунлиги	км			25,92		
	- йўловчилар айланмаси	йилига минг йўловчи			35 102,30		
6.	Ишга жойлаштириш мўлжалланаётганлар сони	киши			681		
7.	Инвестиция даврининг давомийлиги	ой			51		
8.	Кредит ва бошқа қарз маблағларини сўндириш муддати:						
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шу жумладан, имтиёзли давр	йил		15		4	
	Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки, шу жумладан, имтиёзли давр	йил		20		5	